



2020 yil 29 sentyabr

1067-Қ - sonli

Ishtixon sh.

Тумандаги “BUTAEVA YULDUZ” оилавий корхонасига “Енгил конструкцияли иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларда суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларини қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги №167-сонли қарори ҳамда низоми ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-20-23-моддаларига асосан ва Иштихон тумани “BUTAEVA YULDUZ” оилавий корхонаси раҳбари Бутаева Юлдузнинг туман ҳокими номига “Енгил конструкцияли иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. “BUTAEVA YULDUZ” оилавий корхонасига “М.Жураев” муқобил МТП ҳудудидаги 1029-рақамли контурда жойлашган 0,2 гектар суғориб ҳайдаладиган ер майдонида “Енгил конструкцияли иссиқхона” қуриб вақтинча фойдаланиш учун 10 йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (А.Мурадов)га “Енгил конструкцияли иссиқхона” қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

4. Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси туман филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Игамкулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Негматов